ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ
ЮҚОРИЧИРЧИҚ ТУМАН
ҲОКИМИНИНГ

ҚАРОРИ

РЕШЕНИЕ

ХОКИМА
ЮКОРИЧИРЧИКСКОГО РАЙОНА
ТАШКЕНТСКОЙ ОБЛАСТИ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

2018 йил "08"октябр **1943-сон** **Янгибозор қ.**

Ижтимоий мухофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини 2019 йил учун банд қилиб қўйиш тўғрисида

Ўзбекистон Ре
спубликасининг "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил., 5-6-сон, 97-модда) 17-моддаси, Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий химоя қилиш тўғрисида"ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2008 й, 29-30-сон, 277-модда, 41-сон, 543-модда) 25-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2008 йил 20 августдаги 186-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисидаги низомга асосан ижтимоий муҳофазага мухтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун туманда 2018 йил учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш мақсадида,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонунининг 17-моддасига асосан ижтимоий мухофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун тумандаги корхона, ташкилот ва муассасалар учун ҳодимларнинг рўйхат бўйича ўртача сонидан 269 кишини ташкил этадиган 7 фоиз миқдорида, шу жумладан:

ногиронлар учун- 2,2 фоиз (6 киши);

таълим муассасаларини тугатган ёшлар учун- 83,2 фоиз (224 киши);

Бандликка кўмаклашиш марказида иш қидирувчи сифатида ҳисобда турган пенсия ёшига яқинлашиб қолган шахслар учун- 0,7 фоиз (2 киши);

ёлғиз ота, ёлғиз она ҳамда 14 ёшгача ва ногирон болалари бор кўп болали ота-оналар учун- 7,4 фоиз (20 киши);

жазони ўташ муассасаларидан бўшатилган, жазони ўтаётган ёки суд қарорига кўра тиббий характердаги мажбурий чоралар кўрилган шахслар учун- 3,3 фоиз (9 киши);

муддатли харбий хизматдан бўшатилган шахслар учун- 2,9 фоиз (8 киши);

сафарбарлик чакируви захирасига киритилган шахслар учун- 2,9 фоиз (8 киши);

кичик ёшли болалари бўлган ишламайдиган аёллар учун-1,1 фоиз (3 киши) миқдорида белгилансин.

Одам савдосисидан жабрланганларни иш билан таъминлаш учун 0.7 фоиз (2 киши) миқдорида белгилансин.

2. 2018 йилда ижтимоий мухофазага мухтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини 2019 йил учун банд қилиб қўйиш лозим бўлган корхона, ташкилот ва муассасалар рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарларига:

ижтимоий мухофазага мухтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни иш билан таъминлаш учун 2018 йил якунланишидан 10 кун олдин квота иш жойлари умумий миқдорининг камида 25 фоизи хажмида иш ўринларини банд қилиб қўйилиши, 2019 йилнинг 10 апрелидан кечикмай иш жойларининг қолган кисми 75 фоизини барпо этиш (ажратиш ёки банд қилиб қўйиш) тўғрисидаги, яъни хар бир квота тоифаси бўйича иш ўринлари банд қилиб қўйиладиган касблар ва лавозимлар, мутахассислар кесимидаги маълумотларни ва қарор бўйича чиқарилган буйруқ нусҳаларини туман Бандликка кўмаклашиш марказига тақдим этиш вазифалари юклатилсин.

Мазкур қарорга асосан иш ўринлари банд қилинган корхоналар томонидан 2019 йил 1 апрелига қадар банд қилинган иш ўринларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2014 йил 15 сентябрдаги 263-сонли қарорига асосан белгиланган тартибда аттестациядан ўтказилиши таъминлансин.

4. Корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарларига ижтимоий мухофазага мухтож ва иш топишда қийналаётган шахслар учун иш жойларининг кўрсатиб ўтилган миқдорини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 20 августдаги 186-сонли қарори билан тасдиқланган Ижтимоий мухофазага мухтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ белгиланган муддатларда ва тартибда яратилишини (ажратилишини ёки банд қилиб қўйилишини) ҳамда иш жойлари санитария-гигиена нормаларига ва ходим ўз мажбуриятларини бемалол бажаришини таъминлайдиган меҳнат шароитларига мувофиқ бўлишини таъминласинлар.

5. Ушбу қарор ижроси бажарилмаган тақдирда корхона, ташкилот ва муассасаларнинг мансабдор шахсларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 20 августдаги 186-сон қарори билан тасдиқланган "Ижтимоий мухофазага мухтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 15-бандига мувофиқ жарима солиниши тўғрисида огохлантирилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2008 йил 20 августдаги 186-сон қарори билан тасдиқланган "Ижтимоий муҳофазага мухтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тўғрисида"ги Низомга асосан ижтимоий муҳофазага мухтож ва иш топишда қийналаётган шахслар учун банд қилиб қўйиладиган иш ўринларини туман хокими томонидан белгиланган миқдордан ортиқча ташкил этган ташкилотлар ушбу иш ўринларини ташкил этишга сарфланган маблағларининг бир қисмини туман Бандликка кўмаклашиш маркази билан тузилган шартнома асосида Иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаш ҳуқуқига эга эканликлари инобатга олинсин.

7. Туман Бандликка кўмаклашиш маркази (С.Турагалов) бир хафта муддатда мазкур қарорни тегишли корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарларига етказсин ҳамда унинг бажарилиши устидан қатъий назоратни таъминласин.

8. Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан туман ҳокимининг 2017 йил 29 сентябрдаги "Ижтимоий мухофазага мухтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини 2018 йил учун банд қилиб қўйиш тўғрисида"ги 1946-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб хисоблансин.

9. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Тастанбеков зиммасига юклатилсин.

Туман хокими **У. Атемов**

